
Томорқа даромади-оила баракаси

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, томорқа маданиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон туманидаги "Жонобод" ва "Бозор Яйпан" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Томорқа даромади-оила баракаси" мавзусида семинар ўтказилди.

Туман ҳокимининг ўринбосари – туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зулфияхон Саримсоқова, Республика ва вилоят ишчи гуруҳи вакиллари иштирок этган тадбирда ишсиз ва банд бўлмаган 30 нафардан зиёд хотин-қизлар қатнашди.

Семинар давомида томорқачиликда самарадорлик ва муносиб даромад эришаётган хонадон эгаларининг тажрибалари ўрганилди.

2024-11-09 08:15:14